

ИКРОМ ОТАМУРОДОВ

ВАҚТ РАНГЛАРИ

Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1982

Отамуродов И.

Вақт ранглари: Шеърлар. — Т.:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. — 486.

Тўлғамга киритилган шеърларда баҳор, болалик, бахт ва муҳаббат ҳақида куйланади. Тўрғайлар чарх урган бешоён даштлар, мовий осмон, беҳудуд кенгликларни гавдалантирувчи шеърларда Ватанга муҳаббат туйғулари ифода этилган. Бу асарларнинг асосий хусусияти—покликка интилиш, самимийлик. Шонр ўз овози ва ўз дастхати билан шеър ихлосмандларининг эътиборини қозонади деган фикрдамыз.

Отамуродов И. Стихи. Краски времени.

Ўз 2

А $\frac{70403 - 87}{M 352(04) - 82}$ 69 — 82 4702570200

© Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.

* * *

Тўрғайларга қўйди у меҳр,
тўрғайларни суйди дилидан.
Болалиги кузатган, ахир,
уни, тўрғайларнинг бағридан.

* * *

Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари
ранго-ранг.

Кўз илғамас уфқларнинг қанча-қанчаси
сийнасига бош қўяр унинг.

Бунда очилар

қўзигулилар,

лолақизгалдоқлар,

чучмомалар;

волидаси эркалаган гўдаклар мисол

оҳиста-оҳиста тебранар шаббода қўйнида.

Кенгликларга тўш уриб

вижир-вижир сайрар тўрғайлар,

қўшиқлари — шудринг томчилари сингари

мавжланар

қўзигулилар,

лолақизгалдоқлар,

чучмомалар ёноғида.

Кеч ҳам туша бошлайди секин..

Сайрга чиққан одамлардай бирма-бир

кўк тоқида жилва қилар юлдузлар

кўзларидан шуълалар чақнаб,

қўзигулилар,

лолақизгалдоқлар,

чучмомалар бағрига сингар.

Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари

ранго-ранг.

ДАРС

Дарсхонани кенг олинг,
мавзу катта,
синф хонаси торлик қилади унга.
Вақтни кўпроқ ажратинг:
қирқ беш минут етмас
унинг моҳиятин тушунтиришга.
Дарсхонани кенг олинг,
тингловчилар кўп:
дунёдаги миллатлар қадар,
дунёдаги инсонлар қадар,
дунёдаги. . .
Уни тинглар
қоқ пешинда
пешонасидан оққан маржон-маржон
терлари,
«оқ олтин»га айланган
Қарши чўлининг чўлқуварлари.
Уни тинглар
элларни туташтирувчи,
дилларни бирлаштирувчи,
БАМнинг фидокор бунёдкорлари.
Уни тинглар
эрк қуёшин қутлаб,
Озодлик оролининг шакарзориди
серсоқол деҳқон.

Уни тинглар
Чили Компартиясининг Бош секретари —
Луис Корвалан.

Уни тинглар
ҳақлигини исботламоқчи бўлган,
Африканинг олис бурчагидаги
қари негр ҳам,
юрак зарбига қулоқ тутган каби.

Уни тинглар
мамлакатлар,
ўқувчи бўлиб.

У катта-катта ҳарфлар билан ёзилиши
керак оламга

кўм-кўк майсалар каби.

Шунинг учун
дарсхона керак
энг камида

Ер шари қадар
Улуғ Октябрь Социалистик Революцияси
мавзуини ўтишга.

ВАҚТНИНГ РАНГЛАРИ

Тонгнинг оқлигида вақтнинг рангини кўрдим,
кўрдим туннинг қоралигида.

Кўм-кўк майсаларнинг томирига сингиган
шира заминда

кўрдим вақтнинг рангини.

Кувончлари олам-олам гўдакнинг
кулгу ўйнаган беғубор чехрасида
вақтнинг рангини кўрдим.

Кўрдим вақт ортидан қувган кексанинг
олис хотираси —

юзларига соя ташлаган ажинларида.

Бўлиқ гўзаларни

авайлаб яшнатган бобо деҳқоннинг
меҳнатида ҳам

кўрдим вақтнинг рангини.

Вақт ўхшар дунёдаги барча рангларга.

* * *

Шитир-шитири бошланар ёмғирнинг,
муаттар ҳидларга тўлишар дунё.

Томчилар,

томчилар замин сатҳига

томғилаб-томғилаб

нақш солар турфа ранглар суратин.

Олисда,

уфқлар ортида

қувона-қувона югурар,

югурар бир бола

ёмғирнинг остида.

Ўзи номин билмаган

нотаниш-нотаниш кенгликлар сари югурар

заминга интилган томчилар янглиғ

ёмғир ҳақида қўшиқлар айтиб:

«Ёмғир ёғар шитир-шитир,

Мовий рангга тўлиб олам,

Товланади жимир-жимир...»

Осмон кунгуралари узра янгра қўшиғи.

Тўрғайлар навоси каби жарангдор,

ёмғирга чайилган лаҳза қадар мусаффо,

ял-ял ёнган лолақизғалдоқлар сингари

хушбўй

— бир қўшиқ,

бир қўшиқ...

Югуради у овози билан баробар,
кўринмай кетади ниҳоят.

Бола сингиган нуқтада, уфқлар,
биламан, бирлашар абад.

Шундан-да туғилар мовийлик.

Мовийлик — дунёнинг болалиги.

Садоланиб туради кўшиғининг жаранги:

«Ёмғир ёғар шитир-шитир,

Мовий рангга тўлиб олам,

Товланади жимир-жимир...»

Термиламан,

термиламан мовийликка,

излайман унинг бағридан

бир нималар,

бир нималар!..

ТОҲИР ҚУШИҒИ

Дунё бўлиб дунёни кездим,
Умрим чақмоқ орзу-ла ёнди.
Гоҳ тўлқинлар бағрида суздим,
Гоҳ тўлқинлар кўксимда қолди.

Қалбимда нур сочар бир шуъла,
Фақат шунга сиғиндим мангу.
«Севаман» деб боқдим оламга,
Олиб кетди мени шу туйғу.

САИР

Юлдузлар осмоннинг лолаларидир.
Лолалар сайрига бошлайман сени.
Кел, кел,
бирга-бирга
беланайлик лолаларнинг ёгдуларига.
Тупроққа қоришган болалардек,
завқланиб-завқланиб
беланайлик.
Беланайлик
кўз илғамас пахтазорда,
оппоқ-оппоқ толалар қўйнида қолган
чевар теримчилардай.
Кейин,
азизим,
сенга шу лолалардан
тузиб берай ажиб гулдаста.
Хумор-хумор термилиб,
тўйиб-тўйиб ҳидлагач,
бирортасин узиб қолмасдан
сочиб юбор яна осмонга
лолаларни.

* * *

Ой кезади кўкда керилиб,
Ой нигоҳи ерга қадалар.
Ой қўшиқ куйлар берилиб,
Қўшиқдирки, тунни парчалар.

Ой кезади кўкда керилиб,
Ой нигоҳи денгизда-сузар.
Денгиз секингина чайқалиб,
Унга тўлқин рақсини чизар.

Ой керилиб кўкда кезади,
Танга-танга, ана, нуқралар.
Еғду туннинг қалбин эзади,
Тун бағрида ойни эркалар.

* * *

Хаёлимга сиғиндим бу кун,
Хотиралар жонланди қайта,
Хотиралар сирларин айтар,
Хаёлимга сиғиндим бу кун.

Хаёлимда учрашдик яна,
Кўзлар тўйиб-тўйиб термилар.
Қайта кўрмоқ ишқида ёнар,
Хаёлимда учрашдик яна.

Жимирлайди ҳаёт уммони,
Оқиб кетар армонлар, дардлар,
Балқиб кетар беҳисоб бахтлар,
Жимирлайди ҳаёт уммони.

Хаёлимга сиғиндим бу кун,
Хотиралар сирларин айтар,
Ширин қанча кўришмоқ қайта,
Хаёлимга сиғиндим бу кун.

Сен мендасан.
Менинг кўзларимда
кичик бир нуқта —
денгиздаги кема каби кезасан менинг
кўзларимда.

Менинг кўзларимда
сайр этасан оламни,
уқасан шодликни,
ғамни.
Қувониб боқсам дунёга,
қувонч бўлиб порлайсан сен ҳам,
порлар дунё ҳам.
Уч берган куртак янглиғ умидларимнинг
очилмоғига бўласан ҳамдам.
Мен сени
ойдан,
қуёшдан,
шамолдан
кўзларимда асрайман.
Киприкларим ила сочларингни тарайман.
Кўзларимнинг эркаси — хуррамим.

* * *

Мен-ку қарайман сенга
қайта-қайта қайрилиб,
нимадир юрагимда
интиқ, сенга талпиниб.
Бир кунда,
икки кунда
уч кунда
ва ҳақтоки минг кунда
кетмас мендан айрилиб
нимадир юрагимда,
интиқ, сенга талпиниб.
Қуёш кезади ёлғиз,
деразамдан мўралаб.
Ҳилол кезади ёлғиз,
деразамдан мўралаб.
Сен ҳам кезасан ёлғиз...
Кез-кезавер
оламни.
Кез-кезавер
қалбимни,
яшнатиб
юрагим япроқларин,
ёлғизим.

* * *

Кенгликларга бошлагин мени,
сарҳадсиз-сарҳадсиз кенгликларга,
бугун кўнгил истади шуни.

Истади
уфқларга елка тутган
буғдойзорларнинг мавжига қонмоқни.

Истади осмон рангли пахтазорнинг
далаларга сиёмаган
тўлқинларин туймоқни.

Майли,
чеки чегарасин илғаб олишга
қурби етмай,
толиқиб,
толсин кўзларим.

Майли,
овозим қамраб ололмай
сингиб кетсин
нурлар мисол кенгликларнинг бағрига...
Дўстим,

қани, бошлагин мени ўша томонларга...
Кезайин қониб-қониб
тўрғайлар қўшигида янграган у оламни.

* * *

Сиз мени алдаманг
кўнглимни кўтариб.

Юракнинг муҳри туширилган кўзларингиз.
қийналяпти,
кўриб турибман.

Мумкин эмас
кўзларни яширмақ,
юракни яширмақ
ёлғон сўзларкан.

Мумкин эмас.

Сиз эса «ҳа» деган сўзни айта олмайсиз
ишонч билан,

мени хурсанд қилишдан қўрқиб.

Айта олмайсиз «йўқ» деган сўзни
ишонч билан,

мени хафа қилишдан қўрқиб.

Бирор марта бўлса ҳам тўғрисиани айтолмайсиз.

Нега айтолмайсиз, нега?

Ахир,

юракда туғилган гаплар

изҳор қилинмай қолиб кетса кўнгил қатида

бир умр

очилмай сўлган ғунчалар янглиғ.

унда

нега керак яшамоқ,

2—4

17

нега керак
юракни қабр қилиб сўзларга
кўзларни қийнамоқ.
Қўйиб беринг
бир муддат
кўзларингизга
қўйиб беринг:
одамга типпа-тик қарай олсин ҳаммавақт.

УЛУГБЕКНИНГ УЛИМИ

I

Дунё гафлатда қолди бу кеча.
Узини кечирмас бу учун дунё ҳеч
қачон.

Туннинг тили тутилиб,
кўзи кўр бўлиб,
қулоғи битди-да,
дунё қолди гафлатда.
Қани энди шу онда
гафлат пардасин бузиб,
Гўрўглининг Фироти
шамол бўлиб бамисли,
етиб келсайди кишнаб,
елиб келсайди кишнаб
туёқлари остида чақнатиб чақмоқларни.
Кутар эди мунажжим.
Замин жимжит,
жим, жим, жим.
Қани энди шу онда
гафлат пардасин бузиб,
бўрон бўлиб бамисли
учиб келсайди Семурғ,
кўчиб келсайди Семурғ
осмонни тўлдириб.
Кутар эди мунажжим.

Осмон жимжит,
жим, жим, жим.
Тун қўйнида Самарқанд,
узоқлашиб қолганди.
Гиротдан ҳам дарак йўқ,
Семурғдан ҳам дарак йўқ.
Атроф жимжит,
жим, жим, жим.
Доғда қолди-ку улар бир умрга кечикиб.
Юракларда армон,
орзулар пойидан қирқилди.
Юлдузлар жимжит,
жим, жим, жим...

II

Улдирдилар уни бир тунда
осмон сирин очган инсонни
хилват макон, жилға бўйида.

Тун — қалбига санчилган ханжар.

Вужудидан оқди тирқираб
жилгачага иссиқ орзулар,
зулумотга ниш урди улар.

ТҮРҒАЙ БАЛЛАДАСИ

Офтоб тиккада.

Унинг тиллари қип-қизил олов
ялаб ётар, даштларни.

Ҳарорат рақамлари тугади,
найчасини ёргудай сиқилар симоб,

чўзиш керак рақамлар сонин.

Офтоб нуқтасида бирлашди тўрт уфқ.

Жануб қай томон,

қай томон шимол,

кунчиқар қай тараф,

қай тараф кунботар —

билиб бўлмайди,

тўрт тарафда фақат офтоб...

Ҳарорат, ҳарорат

уфқлар томирига сингади бирдай.

Осмон кенгликларида чарх уради бир тўрғай,

силкиниб учар кўкда,

қучмоқ бўлар маъвони.

Офтоб-ла қасдма-қасдда шамоллатар ҳавони.

Заминни осмонга улаган торлар —

офтоб нурлари баланд пардада таранг

жимирлаб, жимирлаб, жимирлаб...

Тўрғай чизар уфқлар бирлашган нуқта саҳнига

сарин-сарин елнинг суратин

пириллаб, пириллаб, пириллаб...

* * *

Одамлар гулларга ўхшайди,
ҳиди барқиб сочилган дамлар
дунёни гуллатиб, яшнайди...
Ҳидсиз гуллар —
совуқ кулгулар.

Дарахтларга ўхшар одамлар,
заминда барининг илдизи,
ҳил-ҳил мевалари тўкилар...
Кўкка боқар дарахтлар кўзи.

Юлдузларга ўхшар одамлар,
юлдузлардек ёниб нигоҳи
ёрқин, замин кўксига порлар..
Хира-хира нур сочар гоҳи.

Одамлар гулларга ўхшайди.

Дарахтларга ўхшар одамлар.

Юлдузларга ўхшар одамлар.

ДУСТЛАРИМ

Дўстим Анварга

Заминнинг ҳар бир минтақасида

дўстларим бор.

Учрашмаган бўлсак-да, бирор марта ҳам,
ҳамсуҳбат бўлиб давраларда

ўтирмасак-да жамулжам,

дўстларим бор:

дили дилимга пайванд.

Дўстларим фикрлари билан
чегара билмаган ҳаводай
кириб келар хонадонимга,
қўшилиб сингиб кетади ўйларимга
бир зумда ўз ўйлари билан.

Ўзбекистон —

уфқларни уфқларга туташтирувчи
оппоқ бир диёр.

Ўзбекистон —

кўзларга жо қилиб куйлар

далаларни тўрғайлар...

Қалбимга экинги дўстлик уруғларини,
мен умрим борича авайлайман уларни.

Дўстларим бор —

орзулари гулдай очилган,

бахти кулган,

пешонаси ёруғ

буюк орзуларин қурувчилари...

Замин кўксига ҳали доғлар кўп

Т О Н Г

Куёш кўзларин очмаган ҳали,
Чўққилар нурларга лаб босмаган чоғ.
Баргда шудринг титраб турган маҳали
Бир чақалоқ туғилди оппоқ.

* * *

Лайлаклар келмади бу баҳор,
Термилади йўлга мунғайиб —
Султон Мирҳайдар¹ гумбази¹ зор,
Пештоқлари турар сарғайиб.
Бир жуфт лайлак, «какирлаб», қани,
Қўнса эди қуббаларига.
Даштларга сочарди баҳорни,
Баҳорни берарди болаларга.
Бир баҳона бўлса, топилар
Гуноҳларни оқламоқ учун.
«Ини турса, булғар лайлаклар
Гумбазларни, бу керак нечун!..»

Лайлаклар келмади бу баҳор.

Қоғоз қўлга олинди яна,
Қоғоз кирди ҳар хил шаклга.
Қўкда «лайлак» учмоқда, ана,
Қанот қоқиб гумбаз томонга.

Қийқириб чопади болалар:
«Мен биринчи кўрдим, биринчи!..»
Бир-биридан қолмай югурар,

¹ Ульянов район Қасби қишлоғидаги тарихий обида.

Елар бирга қалблар қувончи.
Қизиқ, қайга йўқолди бирдан,
Бир лаҳзада бўлди зим-зиё.
Турар уч-тўрт ҳовли нарида,
Гумбаз. Лайлак кўринмас аммо.
Болалар тонг бу синоатга.
Ҳайронликнинг йўқ эди чеки.
Терга ботиб, маъюс аҳволда,
Утирарди бир одам чекиб...

Болаларни алдаймиз бугун,
Эртага ҳам ишонар улар.
Алданганин англагач бир кун
ИШОНЧ қора билан ёзилар.

* * *

Гумбаз томон қарайман орзиқиб,
орзиқиб.

Кўраман унда сукунатни.

Сукунат.

Сукунат тўрт томондан қисиб борар,
қисиб борар гумбазни...

Еру кўкка сиғмай парвози,
Ёмғирларнинг остида учган,
Шамолларга кериб бағрини,
Жазирама офтобни қучган,
Оппоқ,

оппоқ лайлақлар чарх урсайди,
Чарх урсайди бир бора,
Йўлларида кўзи тўрт гумбаз устида

Парчаларга айланарди сукунат...

Тушган—катта шаҳарга йўлим.

Шовқинларда кечади тақдир...

Сукунатдан зирқирар кўнглим,

Эсга тушса гумбаз негадир.

Гумбаз,

Сукунат,

Оппоқ лайлаклар

Кўз ўнгимга келар

Овозлар ўрмони ортидан.

...Ҳайқираман,

ҳайқираман:

Сизга раҳмим келади

Бир умр,

бир умр қушлар инидан қўрқиб

уни бузганлар.

ТУРИҚ БАЛЛАДАСИ

Ҳамқиншлогим Асадулла
Ботиров хотирасига

Бир лаҳза ҳам тинчимас тўриқ,
кўзлари қон қуйгандай бежо.
Арқонини узгудай бўлиб,
яккамихни айланар роса.

Гир айланар, гир айланар
метин ернинг чиқариб чангин,
метин ерни тупроққа қорар
аламларин чизганча рангин.

Ўкириб-ўкириб кишнайди,
юлқиниб-юлқиниб отилар.
Ортган сайин тўриқнинг дарди
арқон таранг-таранг тортилар.

Қимирламас яккамих ҳеч бир,
Арқонни у чайнар алам-ла.
Яккамихни алам-ла ғажир
олов ичра...

...Чавандози ўққа учгандай
кутилмаганда!..
Бунга чидаб бўлади қандай,
ёғар тобутда?!

Одамлар айланиб ўтади,
айланиб ўтади
тобутни бир-бир.
Марҳум бунда бирдай ётади,
унга энди барибир.

Ўтади азадор, бағри кул бўлганлар ҳам,
ўтади тиригида у билан сўкишганлар,
тепишганлар,
унинг учун қўлтигида тир яширганлар
бўйидан баланд гапирганлар ҳам ўтади,
тобут ёнидан.

Барини,
кузатиб туради барини
марҳум билан
бутун умр
даштлар бағрида
бирга-бирга уруғ —
излар сочган тўриқ
бир чеккада қолиб.
Ахир у ҳайвон,
унга йўл бўлсин тобут ёнидан ўтмоқ,
сўнгги марта марҳумга розилик айтмоқ
йўл бўлсин.

Садоқатнинг ранги бўлсайди,
битилсайди унга рақамлар,
тўриқ бўлар эди биринчи,
орқадан турарди одамлар.

Кўзларини қоплайди туман,
гуман ичра кетган йўл узун.
Узоқлашган тобут ортидан
ҳавога пичоқдай урганча ўзин:
депсинади — алам,
кишнайти — алам,
пишқиради — алам,
юлқинади — алам!..

* * *

Қулочларим керилган:
заминни,
қуёшни,
гулларни қучаман —
севаман танамдаги бутун меҳр-ла.
Замин гардлари билан,
қуёш нурлари билан,
гуллар ҳидлари билан ўраган мени —
авайлайман уларни
ва кўтариб юраман чақалоқлар сингари.

✱

* * *

Мени эслай олмадинг
қайта кўрганда,
ўтдинг шундоқ ёнгинамдан шамолинг тегиб,
нафасинг тегиб.
Эшитдим юрагинг уришини
ўтдинг шундоқ ёнгинамдан
бепарво.
Ҳар гал учрашганда
ҳаяжон билан:
«Сизсиз бекор мен учун ҳаёт,
сизсиз бекор...»—
такрор-такрор айтган сўзларинг,
тўйиб-тўйиб термилломай
қийналганин кўзларинг
эслай олмадинг.
Эслай олмадинг
яна кўп нарсаларни.
Умр сингиб борар,
сўзлар сингиб борар
вақтинг бағрига
заминга сингиган ёмғир мисоли.
Умр — хотира.
Сўзлар — хотира.
Аммо сен мени эслай олмадинг
қайта кўрганда.

Бу — яхшй,
бўлмаса кўп қийналардинг.
Шунда мени тўхтатиб,
қисматингдан сўзлармидинг
ҳеч чарчамасдан,
балки ўксиниб-ўксиниб,
балки аксинча.
Тинглашим керак эди-да
сени
тош бўлиб.

* * *

Панжи бобонинг қизиқ феъли бор:
давраларни хуш кўрмас унча,
гурунглари қилмас ихтиёр..
«Гап билмас, гунг», дедилар уни,
«Одам иси ёқмас», дедилар уни.

У эса
шамоллар тошқинида
ялпиллаб-ялпиллаб тўлқинланган
қўзигулилар қўйнига
уради ўзин.
Чўмиб кетади,
чўмиб кетади қўзигулилар тўлқинига қўшилиб.
«Бўйларингдан ўргилай ўзим!..» —
кўзларига суртиб-суртиб қўзигулиларни
суяб-суяб силайди..

Тўрғай қўшиғин тинглар берилиб,
тўрғайга айтади кўнглида йигилганларни
ҳеч қолдирмасдан
очилиб-очилиб.
«Сен ҳам ахир, бир дам тин олгин,
томир-томирингдан ўтиб кетди-ку
офтобнинг тиғи!..»

Сўнг қийқиради,
қийқиради:
«Э-ҳе-ҳей-ҳей!..»
Даштларнинг бурч-бурчларига
саси
урилиб-урилиб
акс-садо беради
момақалдиरोқдай,
бундан қандайдир олади ҳузур.
...Найча палак каби —
янги ой
кўринган оқшом
узоқ-узоқ термилар ҳар гал:
ўтган умри тушар хотирига,
ёлғизлиги тушар хотирига,
хотирига тушар яна..
Хўрсиниб-хўрсиниб қўяди ич-ичдан,
оғир бир нарса босади
кўксини шунда нима учундир,
тўрғайга ҳаваси келади,
ҳаваси келади қўзигулиларга.

* * *

Жилға истайди сукут қилмоқни,
Истар қоядек олмоқликни тин,
Тоғлар қалбига қулоқ солмоқни.

Қоя истайди жилға бўлмоқни,
Истар жилғадек югуриб-елиб,
Дала бағрига кириб бормоқни.

БИР ДЕНГИЗ БОР

Бир денгиз бор
кўзлардай теран.
Бир тоғ бор
елкалардай буюк.
Бир кенглик бор
юракдай сарҳадсиз.
Бир инсон бор
денгизни,
тоғни,
кенгликни
юрар кўтариб.
У — сен!
У — мен!

ҲАКИМ НАФАСИ

Шифокор Шавкат Каримовга

Биз уч кишимиз:

Мен, сиз, касаллик.

Менга ён боссангиз, енгамиз.

Унга... нима бўлиши аниқ.

Гапни шундай бошладингиз сиз,

Бошладингиз тўғри Сино фикридан.

Шу лаҳза ҳакимга ўхшаб кетдингиз,

Ўхшаб кетдингиз жуда.

Тўрғайнинг қанотидай юпқа тортиб асрлар,

Шоён бўлди,

шоён бўлди шу лаҳза

Хонани тўлдириб ҳаким нафаси.

Суяндингиз асрлар оша,

суяндингиз Иби Синога

Асрлар ортидан содиқ шогирди.

Касаллик дафтари борарди тўлиб,

Сўзларим жароҳат тасвири мисол

Қоғозга кўчарди. Сиз майин кулиб,

Сўзлардингиз гўё меҳрга тимсол.

Қалбимда кўкларди **ИШОНЧ ДАРАХТИ.**

Кўкларди

ҳовури уфуриб турган ноннинг таъмидай

тотли-тотли сўзлардан.

Кўкларди

жануб офтобининг ҳароратли нуридай

меҳрли-меҳрли кўзлардан.

Кўкларди

субҳидамнинг сарин-сарин еллари янглиғ
бармоқларнинг майин-майин сеҳридан.

Кўкларди...

Қайси бир тонг эди, хонага кириб
Бир доктор бошимда турди-ю тикка
Кечаги тушини сўзларди тўлиб,
Ён боса бошладим мен касалликка...
Доктор бемор эди, дарди қўп оғир,
Жароҳат оғриғи босар кўзимни.
Юқмасин деб ёнга ўгрилдим, ахир
Унинг касаллиги жуда юқумли.

Кўнглимга ботарди сўзи тош бўлиб,
Руҳимни музлатар совуқ нигоҳлар.
Бармоқлари тикон каби санчилиб,
Вужудим сесканиб қочар томирлар.

Қалбимда сўларди ИШОНЧ ДАРАХТИ.

Ёз ёмғири каби дори фойдасиз.

Биродари эди у касалликнинг

Ибн Синонинг,

сизнинг,

менинг душманам.

Шу сабаб кўп кутдим ўша кун сизни.

* * *

Одамлар баъзан
бир-биридан ранжиб,
Кетишни хоҳлаб қолар
ғариб қилиб дунёни
(дунёга кетиш учун келгандай).

«Мен кетган билан ҳеч нарса йўқотмайди дунё,
Сен кетган билан ҳеч нарса йўқотмайди дунё,
У кетган билан ҳеч нарса йўқотмайди дунё...

Шундай лаҳзаларда
менинг назаримда
дунёнинг вужуди увишиб-увишиб кетар,
увишиб-увишиб.

Шунда,
кўз ўнгимга келар мунғайиб
мевалари қоқилган дарахт,
япроқлари тўкилган дарахт,
қайта-қайта келар кўз ўнгимга.
«Меваларим, тарк этманг мени,
Япроқларим, яшнанг мангуга.
Бўш қолдирманг бағримни,
ҳайҳотдай.

Қаранг, осмон тўла юлдузлар
порлар, бирам чиройли».

* * *

Деразаларни очаман
тонг билан...

Бунда ҳикмат кўп:
кириб келар мусаффо ҳаво —
дунёнинг тонгги саломи —
беғубор

чақалоқнинг юракларни энтиктирган
табассуми янглиғ;

муаттар

тандирдан янги узилган ноннинг
димоқларни қитиқлаган
нашъали иси янглиғ.

Ҳаво учраштиради мени
илк бор
дунё билан.

Ҳаво учраштиради мени
илк бор ҳаётимнинг бир бўлаги,
янги кун билан.

Унда мавжуд бугуним
қуёши,

одамлари,

йўллари,

ҳаяжонлари,

ташвишлари, —

бари, бари.

Кўкрагимни тўлдириб-тўлдириб
симираман ҳавони.
Симираман бу куним
бўлмасин деб армонли.
Симираман ҳавони,
тўйиб-тўйиб,
қалбимни
деразалардек лағ очик қўйиб.
Ва дунёнинг тонгги саломин бағрига
аста-аста сингиб бораман.

* * *

«Олтинчи қават —

осмонга қўйилган олти қадам,
олти қадам ердан юқори» —

бу — ёши бир жойга бориб қолган,
кенгликларда ўсган аёлнинг гапи.

Аёл балконда маъюс туради

нигоҳлари сўлгин-сўлгин.

Аёл балконда ўйга толади

ўйловлари сўнгсиз-сўнгсиз.

Аёл балконда узоқ юради

қадамлари оғир-оғир.

Олисларга қараб қолар,

қараб қолар сукут қўйнида,

сукут қўйнида соғинчининг ранги —

сарик,

сарик,

сарик.

Кўзларидан қуйилар,

қалбини титратган оғриқ...

Нигоҳлари урилар,

ўйловлари урилар,

қадамлари урилар

балкон деворларига.

Аёл тўйиб кетади дунёдан.

Овози борича дод дегиси келади унинг,

тўлиб-тўлиб йиғлагиси келади унинг,
бош олиб кетгиси келади унинг.

Нималардир йўл бермас,

нималарнидир ўйлайди.

(Менга ўқ берсангиз, бас,

ўша «нималар»ни отардим.)

Утириб қолади жойида аёл.

Хаёллар босиб келади:

«Тўрт томони кенгликка қараган уй».

«Ҳамсоёлар қадами узилмасди эрта-кеч».

«Орзи момонинг ниҳоя билмаган гурунги...»

Хаёли бўлинди. Йиғларди бир бола,

набираси тушди эсига.

«Эҳ, мени худо олсин-да,

ўйга ботиб, сени йиғлатсам».

Очиқ эшикдан урди ўзини

уйга, шамолдай.

* * *

Излайман ўзимни
уфқларга кетган йўллардан,
уфқларда битган йўлларда
қолдириб ўзимни.

МУНДАРИЖА

«Тўрғайларга қўйди у меҳр»	3
Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари	4
Дарс	5
Вақтнинг ранглари	7
«Шитир-шитири бошланар ёмғирнинг»	8
Тоҳир қўшиғи	10
Сайр	11
«Ой кезади кўкда керилиб»	12
«Хаёлимга сиғиндим бу кун»	13
«Сен мендасан»	14
«Мен-ку қарайман сенга»	15
«Кенгликларга бошлагин мени»	16
«Сиз мени алдаманг»	17
Улуғбекнинг ўлими	19
Тўрғай балладаси	21
Одамлар гулларга ўхшайди	22
Дўстларим	23
Тонг	25
«Лайлақлар келмади бу баҳор»	26
Тўриқ балладаси	29
«Қулочларим керилган»	32
«Мени эслай олмадинг»	33
«Панжи бобонинг қизиқ феъли бор»	35
«Жилға истайди сукут қилмоқни»	37
Бир денгиз бор	38
Ҳаким нафаси	39
«Одамлар баъзан»	41
«Деразаларни очаман»	42
«Олтинчи қават»	44
«Издайман ўзимни»	46

На узбекском языке

Икрам Атамурадов

(Икрам Ислам)

КРАСКИ ВРЕМЕНИ

Стихи

Редактор **М. Аъзамов**

Рассом **Л. Мешкова**

Расмлар редактори **А. Бобров**

Техн. редактор **М. Исмоилова**

Корректор **О. Турдибекова**

ИБ №1769

Босмахонага берилди 28. 12. 81. Босишга рухсат этилди 13. 04. 82.
Р 15536. Формати 60x90 1/32. Босмахона қоғози № 3.

Адабий гарнитура, Юқори босма, Шартли бос-
ма л. 1.5. Нашр л. 1.27. Тиражи 5000. Заказ № 4. Баҳоси 15 т.
Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.